

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Dsc.03/10.12.2019.1.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

УМУРЗАҚОВА МЎЪТАБАРХОН НОДИР ҚИЗИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ
ҚИЛИШДА ТИББИЙ СУҒУРТАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори
(Doctor of philosophy) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(Doctor of philosophy) по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy
(Doctor of philosophy) on economic sciences**

Умурзакова Мўътабархон Нодир қизи

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда тиббий суғуртани
ривожлантириш истиқболлари 3

Умурзакова Мутабархон Нодировна

Перспективы развития медицинского страхования в социальной
защиты населения в Узбекистане 27

Umurzakova Mutabarkhon Nodir qizi

Prospects for the development of health insurance in social protection of
the population in Uzbekistan..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Dsc.03/10.12.2019.1.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

УМУРЗАҚОВА МЎЪТАБАРХОН НОДИР ҚИЗИ

ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ
ҚИЛИШДА ТИББИЙ СУҒУРТАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1PhD/igt559 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsue.uz) ва «Ziyoueb» Ахборот-таълим портали (www.ziyoueb.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Вахабов Абдурахим Восиқович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рахмонов Дилшоджон Алиджонович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Давронов Шухрат Зухурович
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент молия институти


Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Dsc.03/10.12.2019.1.16.01-рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «28» июль соат 11³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси 49. Тел.: (99871) 232-64-46, факс: (99871) 232-64-46, e-mail: _____).


Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____) рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Ўзбекистон шох кўчаси 49. Тел.: (99871) 232-64-46, факс: (99871) 232-64-46, e-mail: _____).


Диссертация автореферати 2021 йил «14» июль куни тарқатилди.

(2021 йил «14» июль даги 15 рақамли реестр баённомаси).




Н.Х.Жумаев
Илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор


Б.Т.Бердияров
Илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент


С.К. Худайкулов
Илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ижтимоий сиёсатни муҳим таркибий қисми ва устувор йўналишларидан бири – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳисобланади. Аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва сифатини яхшилаш унинг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланганлиги ва саломатлиги билан бевосита боғлиқ. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) маълумотларига кўра, «Ер куррасида яшаётганларнинг 45 фоизи ижтимоий ҳимоя тизими доирасидаги пулли тўловларнинг камида битта тури билан таъминланган, қолган 55 фоизи (яъни 4 млрд. кишига яқин) бундай тўловларни олишмайди»¹. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «дунё аҳолисининг деярли ярми зарур тиббий хизматлар билан тўлиқ қамраб олинмаган. 800 миллиондан ортиқ аҳоли ёки дунё аҳолисининг 12 фоизи даромадларининг камида 10 фоизини соғлиқни сақлаш харажатларига сарфлашади»². Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базалари ривожланиб боргани сари тиббий хизматлар кўрсатишнинг долзарб масалаларини ҳал қилаётган бўлсада, аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида кам даромадли аҳоли саломатлигини яхшилаш имконини бермади.

Жаҳонда «Covid-19» пандемияси шароитида тиббий суғуртани такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. «Коронавирус касаллигига чалинган беморларни даволаш харажатларининг ривожланган мамлакатларда 50-90 фоизи тиббий суғурта маблағлари ҳисобига қопланди»³. Ушбу тадқиқот ишларида аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун тиббий ёрдам хизматларини мажбурий тиббий суғурта шартномалари асосида қоплаш масалалари етарлича очиб берилмаган. Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда аҳолининг барча қатламлари учун мажбурий тиббий суғурта хизматларидан фойдаланиш амалиётини янада такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, унинг қамров даражасини кенгайтириш, соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш амалиётида мажбурий тиббий суғуртани босқичма-босқич жорий этишнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилмоқда. «Мажбурий тиббий суғурта соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек мажбурий тиббий суғурта дастури бўйича тиббий ёрдам кўрсатишда хусусий тиббиёт ташкилотларининг иштирокини ошириб бориш»⁴ муҳим вазифа сифатида белгилаб берилган. Соғлиқни сақлаш тизимида мажбурий тиббий суғуртани амалиётга татбиқ этилиши натижасида аҳолининг барча қатламлари учун

¹ Доклад о Целях в области устойчивого развития. Организация Объединенных Наций. – Нью Йорк, 2019. – С. 22. (<https://unstats.un.org/sdgs/report/2019/The-Sustainable-Development-Goals-Report-2019-Russian.pdf>).

² [https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/universal-health-coverage-\(uhc\)](https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/universal-health-coverage-(uhc)).

³ <https://teyit.org/en/claims-about-treatment-expenses-of-covid-19-in-some-countries/>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони

тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва тиббий суғурта хизматлари бозорини ривожлантиришга эришилади. Мамлакатимизни миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда соғлиқни сақлаш тизимида тиббий суғуртани ривожлантириш ва уни амалиётга татбиқ этиш борасидаги илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4159-сон «Соғлиқни сақлаш тизими ислохотларига илғор хорижий тажрибани жорий этишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 16 апрелдаги ПҚ-4290-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4890-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 2 октябрдаги ПҚ-4847-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши билан боғлиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аҳолини тиббий суғурталашнинг назарий-амалий масалалари узоқ хорижлик иқтисодчи-олимлардан А.С.Прекер, Р.Свайфель, О.П.Шелленс, П.Життинг, А.Одишелидзе, А.Лаффер, Д.М.Кейнс, К.Р.Макконнелл, С.Л.Брю, А.Смит, Р.Самуэльсон, У.Д. Нордхауслар томонидан⁵ тадқиқ этилган.

Яқин хориж мамлакатлари иқтисодчи-олимларидан В.В.Антропов, Ю.М.Борисова, О.В.Забелина, Е.И.Никитина, А.В.Мозалев, А.А.Соколов, Д.А.Соколов, А.Б.Плужник, Л.А.Дробозина, Д.А.Джунусова, Г.М.Кравченко,

⁵ Preker A.S., Zweifel P., Schellekens O.P. Global marketplace for private health insurance: strength in numbers. The International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank. Washington. 2010. – 532 p.; Jütting J.P. Do community –Based Health Insurance/World Development /2010 – 251 p.; Odishelidze A. and Laffer A. Pay to the Order of Puerto Rico. – USA: Allegiance Press, 2004.– 455 p.; Кейнс Д. М.Общая теория занятости, процента и денег. Монография. – Москва: Директ-Медиа, 2014. – 405 с.; Макконнелл К.Р., Брю С.Л. Экономикс: принципы, проблемы и политика. Пер. сангл. изд. – Москва: ИНФРА-М, 2006. – 940 с.; Smith A. An Inquiri in to the nature and Causes of the Weat the of Nations. – New York: Random House, 1937. – 326 p.; Samuelson P.A., Nordhaus W.D. Экономика. – Учебник по экономике на английском языке. Шестнадцатое издание. – Издательство: The McGraw – Hill Companies, Inc. 1998. – 781 с.

С.А.Лукашов, В.Д.Роикларнинг илмий ишларида⁶ бозор муносабатлари шаклланиш шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида тиббий суғуртанинг амал қилиш хусусиятлари таҳлил қилинган.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш ва суғурта хизматлар бозорини шакллантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари А.Ш.Бекмуродов, А.В.Вахабов, Т.С.Маликов, Н.Х.Хайдаров, Н.Х.Жумаев, Х.И.Баев, П.З.Хошимов, Ш.Е.Абдуллаева, Д.Б.Бахрамова, Д.А.Рахмонов, О.Р.Райимбердиева, Г.А.Қосимова, Ў.Д.Ражабов, А.С.Нуриллаев, Х.М.Шеннаев, З.Х.Базаровларнинг илмий асарларида⁷ тадқиқ этилган.

Иқтисодий адабиётда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида мажбурий тиббий суғурталашни ўрни, тиббий суғурталашни ривожлантиришнинг хориж тажрибасидан Ўзбекистон амалиётида ижодий қўллаш имкониятлари комплекс равишда мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Муаммони долзарблиги, натижаларни илмий-амалий аҳамиятга

⁶ Антропов В.В. Экономические модели социальной защиты населения в государствах ЕС. Автореф. дисс. на соис. уч. степ. докт. эк. наук. – М.: 2007. – 48 с.; Борисова Ю.М. Финансовый механизм функционирования обязательного медицинского страхования. Автореф. дисс. на соис. уч. степ. канд. эк. наук. – Иркутск: «Байкальский государственный университет экономики и права», 2013. – 22 с. Мозалев А.В. Добровольное медицинское страхование: особенности и направления развития в Российской Федерации. Автореф. дисс. на соис. уч. степ. канд. эк. наук. – Москва: «Экономика», 2012. – 26 с.; Соколов А.А. Модернизация финансовой модели системы обязательного медицинского страхования. Автореф. дисс. на соис. уч. степ. канд. эк. наук. – Ростов-на-Дону: 2018. – 24 с.; Соколов Д.А. Совершенствование финансового обеспечения здравоохранения в Российской Федерации. Автореф. дисс. на соис. уч. степ. канд. эк. наук. – Москва: 2018. – 34 с.; Плужник А.Б. Развитие обязательного и добровольного медицинского страхования в рыночных условиях. – Оренбург: «ОГАУ», 2006. – 23 с.; Дробозина Л.А. Финансы. Учебник для вузов. – М.: «ЮНИТИ», 2001. – 527 с.; Джунусова Д.А. Совершенствование механизма финансирования медицинских услуг в системе охраны здоровья населения Республики Казахстан. Автореф. дисс. на соис. уч. степ. канд. эк. наук. – Алматы: 2008. – 26 с.; Кравченко Г.М. Развитие рынка и финансирования лечебно-оздоровительных услуг в России. Автореф. дисс. на соис. уч. степ. канд. эк. наук. – М.: «ОПМТ РАГС», 2008. – 26 с.; Лукашов С.А. Экономико-математическое моделирование спроса населения на медицинские услуги. Автореф. дисс. на соис. уч. степ. канд. эк. наук. – Ставрополь: «КЧГТА», 2006. – 28 с.; Роик В.Д. Социальное страхование: теория и практика организации. – М.: «Перспект», 2016. – 320 с.; Роик В.Д. Социальное страхование в меняющемся мире: каким будет выбор России? – СПб: «Питер», 2014. – 252 с.

⁷ Бекмуродов А.Ш. и автор. колл. Человеческое развитие. Учебник. – Т.: «Фан ва технология», 2012. – 376 с.; Вахабов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар. Монография. – Т.: «Шарк», 2003. – 320 б.; «Ijtimoiy siyosat». O'quv qo'llanma i.f.d., prof, A.V. Vaxabovning umumiy tahriri ostida. – Toshkent: «MUMTOZ SO'Z», 2019. 312 bet. Маликов Т.С., Хайдаров Н.Х. Молия: умумдавлат молияси. – Т.: «Иқтисод-молия», 2009. – 155 б.; Жумаев Н.Х. Соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштиришнинг натижа мезонларини шакллантириш. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали, №3, май-июнь, 2019.42.б; Баев Х.И. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни ташкил этиш ва бошқариш муаммолари. Монография. – Т.: «Иқтисодиёт», 2012. – 154 б.; Хошимов П.З., Абдуллаева Ш.Е. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг назарий асослари. Иқтисод ва молия, №9, 2012. 21-26-б.; Бахрамова Д.Б. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг асосий йўналишларини иқтисодий-статистик таҳлили (Қашқадарё вилояти мисолида). Фан. докт. (DSc) дисс. автореф. – Т.: «ТДИУ», 2018. – 56 б.; Рахмонов Д.А. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Фан. докт. (DSc) дисс. автореф. – Т.: «Академия ноширлик маркази», 2018. – 71 б.; Райимбердиева О.Р. Соғлиқни сақлаш муассасаларини молиявий таъминлашни ташкил қилиш. И.ф.н. илм. дараж. ол. учун. баж. дис. автореф. – Т., 2001. – 21 б.; Қосимова Г.А. Ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантиришда бюджет сиёсатининг роли (Ўзбекистон Республикаси мисолида): и.ф.н. дис. автореф. – Т., 2001. – 22 б.; Ражабов Ў.Д. Ижтимоий хизматлар соҳасида хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг назарий жиҳатлари ва устувор йўналишлари. И.ф.н. илм. дараж. ол. учун. баж. дис. автореф. – Т., 2008. – 26 б.; Нуриллаев А.С. Ўзбекистонда фермер ва дехкон хўжалиklarини суғурталаш масалалари. И.ф.н. илм. дараж. ол. учун. баж. дис. автореф. – Т., 2007. – 28.; Шеннаев Х.М. Суғурта агентлари учун қўлланма. – Т. Молия-иқтисод., 2011.-65 б.; Базаров З.Х. Ўзбекистонда тиббий суғурталаш амалиётини такомиллаштириш. И.ф.ф.д (PhD) илм. дараж. ол. учун. баж. дис. автореф. – Т., 2021. – 26 б.;

эгалити ва иқтисодий адабиётда етарлича ўрганилмаганлиги мавзунини танлашга асос бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режаси ва ПЗ-20170930109-сон «Аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳтож қатламларини аниқлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини манзиллилигини кучайтириш механизминини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий ҳимоя қилишда тиббий суғуртани жорий этиш ва ривожлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда тиббий суғуртанинг назарий асосларини ривожланиш босқичлари, моҳияти ва заруриятини асослаш;

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида ижтимоий суғуртанинг тутган ўрнини баҳолаш тамойиллари ва амал қилиш хусусиятларини аниқлаш;

тиббий суғуртанинг жорий этиш ва «Covid-19» пандемияси шароитида тиббий суғуртанинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидаги ўрнини асослаш;

тиббий суғурта ривожланишининг хориж тажрибаларини қиёсий таққослаш асосида таҳлил қилиш ва ривожланиш имкониятларини аниқлаш;

Ўзбекистонда тиббий суғурта хизматлари бозорининг шаклланиш ҳолати, ривожланиш тенденцияларини баҳолаш ва мавжуд муаммоларини ҳал этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда мажбурий тиббий суғуртани жорий этишни хориж тажрибасини Ўзбекистон тиббий хизматлар бозорида ижодий қўллашга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда истиқболли даврда тиббий суғурта бозорининг ривожланишининг муқобил сценарийларини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон аҳолисининг ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида тиббий суғуртани жорий этиш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети мамлакатимизда мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш жараёнида шаклланадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда гуруҳлаштириш, абстракт-мантиқий фикрлаш, тизимли ёндашув, истиқболли прогнозлаштириш, қиёсий таҳлил, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, статистик ва иқтисодий математик моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мажбурий тиббий суғурта дастурларига молиявий маблағларни жамловчи ва тақсимловчи «Мажбурий тиббий суғурта» жамғармасини ташкил этиш таклифи ишлаб чиқилган;

мажбурий тиббий суғурта дастури бўйича рақобат муҳитини ривожлантириш, давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам кўрсатишда

хусусий тиббиёт ташкилотларини жалб қилишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

соғлиқни сақлашга сарфланадиган харажатларни ҳисобга олиш ва далилий базани ташкил этишда соғлиқни сақлаш ҳисобварақлари миллий тизимини яратиш таклиф этилган;

мажбурий тиббий суғурталашнинг молиялаштириш манбаларига алкоголь ва тамаки маҳсулотлари акциз солиғини киритиш ҳамда амалиётга жорий этишнинг қисқа ва ўрта муддатли босқичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг моҳияти, таркиби ва устувор йўналишлари тавсифланган;

тиббий суғуртанинг моҳияти тавсифланган, бозор муносабатлари ривожланиш асосида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимига жорий этиш зарурияти асосланган;

Ўзбекистонда тиббий суғурта хизматлари бозорининг ҳолати баҳоланган ва ривожланиш имкониятлари ишлаб чиқилган;

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида тиббий суғуртани ривожлантиришнинг хориж тажрибасидан Ўзбекистон амалиётида қўллаш имкониятлари асосланган;

Ўзбекистонда тиббий суғурта хизматлари бозорини барқарор суръатларда ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

мамлакатимизда тиббий хизматлар бозорида мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий қилиш имкониятлари борасида амалий тавсиялар шакллантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда келтирилган хулоса ва тавсияларнинг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалиётида муаллифлик таклиф ва тавсияларнинг жорий қилинганлиги, қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ва халқаро молия институтларининг расмий маълумотлари ва ҳисоботларидан фойдаланилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда тиббий суғуртага бағишланган махсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан «Давлат тиббий суғурта» жамғармаси фаолиятига татбиқ этилиши, жамғарма томонидан кўрсатиладиган тиббий суғурталаш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан изоҳланади. Шунингдек, Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини, жумладан, тиббий суғуртанинг ҳукуқий-институционал асосларини

такомиллаштиришда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда мажбурий тиббий суғуртани жорий қилишга қаратилган давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида тиббий суғуртани ривожлантиришнинг хориж тажрибасидан Ўзбекистон амалиётида қўллаш имкониятлари борасида ишлаб чиқилган таклиф-тавсиялар асосида:

мажбурий тиббий суғурта дастурлари бўйича молиявий маблағларни жамловчи ва тақсимловчи «Мажбурий тиббий суғурта» жамғармасини ташкил этиш ҳақидаги таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5590-сон фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 16 февралдаги 04/04-06-02-32/26-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида тиббий суғуртага масъул бўлган ягона давлат органининг ташкил этилишига эришилади, тиббий суғурта маблағларидан мақсадли, манзилли ва самарали фойдаланиш ҳамда республика фуқароларини мажбурий тиббий суғурта билан тўлиқ қамраб олиниши босқичма-босқич таъминланади;

мажбурий тиббий суғурта дастури бўйича рақобат муҳитини ривожлантириш, давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам кўрсатишда хусусий тиббиёт ташкилотларини жалб қилиш тўғрисидаги таклифи «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги мақсадли ижтимоий давлат дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 16 февралдаги 04/04-06-02-32/26-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши 2025 йилда хусусий соғлиқни сақлаш тизими, давлат-хусусий шерикликни ривожланиши ва мажбурий тиббий суғурта дастури бўйича тиббий ёрдамлар кўрсатишда хусусий тиббий ташкилотларнинг иштирокини 30 фоизга кучайтиришга олиб келади;

соғлиқни сақлашга сарфланадиган харажатларни ҳисобга олиш ва далилий базани ташкил этишда соғлиқни сақлаш ҳисобварақлари миллий тизимини яратиш ҳақидаги таклифи «2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 16 февралдаги 04/04-06-02-32/26-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий мамлакатимизда соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизимини янада такомиллаштириш имконини беради;

мажбурий тиббий суғурталашнинг молиялаштириш манбаларига алкоголь ва тамаки маҳсулотлари акциз солиғини киритиш ҳамда амалиётга жорий этиш таклифлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги мақсадли ижтимоий давлат дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон

Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 5 февралдаги 20-02-1/14-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларни жорий этиш натижасида мажбурий тиббий суғуртага оид қонунчиликни шакллантириш, тиббий суғурта муаммосига бағишланган тадқиқотлар учун илмий манба яратилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий ишлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларида 7 та илмий мақолалар, жумладан, 3 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида, шундан 1 таси халқаро «SCOPUS» базасидаги илмий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 148 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида илмий ишнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида тиббий суғуртанинг илмий-назарий асослари**» деб номланган биринчи бобда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган назарий қарашларнинг моҳияти ва ривожланиш эволюцияси таҳлил қилинган, ижтимоий суғуртанинг, жумладан, тиббий суғуртанинг зарурияти, хусусиятлари, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда тизимдаги ўрни тадқиқ этилган. Ижтимоий ҳимоя, ижтимоий таъминот инсон ижтимоий ҳуқуқларининг бири сифатида камбағалликни камайтириш ва унинг олдини олиш, инсонларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида киритишга қаратилган мақсадли ижтимоий дастурлар ва тадбирлар йиғиндиси сифатида тавсифланади.

Ижтимоий ҳимоя – кенг маънода – мамлакат аҳолисини ижтимоий ва моддий ҳимоя қилинишини таъминлайдиган ва жамиятда шаклланган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи; тор маънода – давлат ва жамиятнинг ёши, сиҳат-саломатлиги, ижтимоий ҳолати, тирикчилик воситалари билан етарли таъминланмагани учун ижтимоий ёрдамга, кўмакка мухтож фуқаролар тўғрисидаги ғамхўрлигидир⁸. Бир вақтнинг ўзида ижтимоий

⁸ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. «И» ҳарфи. – Т.: «ЎМЭ» Давлат илмий нашриёти, 2001. 2-том. 69-б.

ҳимоя ижтимоий таъминот ва ижтимоий ёрдамни тўла маънода қамраб олади. Халқаро стандартларга мувофиқ, ижтимоий ҳимоя тиббий ёрдам, тиббий суғурта, оилани, она ва болани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, етим ва ота-она қармоғида бўлмаган болаларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини ўз ичига олади⁹. Ижтимоий ҳимоянинг мақсади аҳоли турмуш фаровонлигининг узлуксиз яхшиланишини таъминлаш, аҳолининг турли қатламларини таълим, маданият, касб малакаси, даромадлари жиҳатидан кескин табақаланишига барҳам бериш, жамият томонидан инсонга муносиб турмуш даражасини таъминлашга ёрдам беришдан иборат.

Ижтимоий ҳимоянинг миллий тизими мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий сиёсат модели билан узвий боғлиқдир. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш миллий моделларининг фарқловчи омиллари ижтимоий ҳимоя институтлари тузилмаси ва кўринишлари (мажбурий ижтимоий суғурта, ижтимоий ёрдам ва давлат ижтимоий таъминоти), тиббий ёрдам ва таълим, уларнинг фаолият юритишини таъминловчи ресурслар ҳажмидан иборат. Иқтисодий адабиётда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг қуйидаги моделлари фарқланади (1-жадвал).

1-жадвал

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг моделлари¹⁰

	<i>Континентал (Бисмарк модели)</i>	<i>Англосаксон (Беверидж модели)</i>	<i>Скандинавия (Швед модели)</i>
Концептуал асоси	Касбий-меҳнат ижтимоий бирдамлик таъминоти	Ижтимоий бирдамлик таъминоти	Субсидиялашнинг ижтимоий-фалсафий таъминоти
Моҳияти	Ижтимоий суғурта ҳисобидан ишчилар учун ижтимоий кафолатлар	Барча учун минимал ижтимоий кафолатлар таъминоти	Ижтимоий таъминотни солиқлар ҳисобига молиялаштиришдаги тенг ҳуқуқлар
Тамойили	Универсал ва табақалаштирилган ёндашувнинг уйғунлиги. Ижтимоий суғурта маблағларининг автономлиги	Ижтимоий хизматларнинг универсаллиги, бирдамлиги ва унификацияланганлиги	Универсаллик, бирдамлик, умр давомида кўрсатиладиган ижтимоий ҳимоянинг узлуксизлиги, мослашувчанлик, ижтимоий шериклик
Ижтимоий ҳимоянинг базавий институтлари	Мажбурий ижтимоий суғурта ресурсларнинг 75 % -ижтимоий ҳимоя, ижтимоий ёрдам – 15 %; қўшимча суғурталаш учун– 10 %	Ижтимоий ёрдамга ресурсларнинг 35 %; - мажбурий касбий суғурта – 35 %; ихтиёрий шахсий суғурта учун– 30 %	Мажбурий ижтимоий суғурта – 60 %; ижтимоий ёрдам – 30%, ихтиёрий шахсий суғурта – 10 %
Ижтимоий таъминотга сарфланадиган харажатларнинг ЯИМдаги улуши, %	30 %	25 %	32 %

⁹ Ярошенко И.С. Право социального обеспечения. Учеб. пос.– Киев: «КНЭУ», 2005. – С. 232.

¹⁰ Куклин А., Леонтьева А. Социальная защита населения как потребность рыночной системы хозяйствования. Монография. – Тюмень: «ТГУ», 2013. – С. 34 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашда давлатнинг ўрнига бағишланган қатор назарий қарашлар мавжуд. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини ривожлантириш концепцияларини қуйидаги босқичларга гуруҳлаш мумкин (2-жадвал).


2-жадвал

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашга бағишланган назарий қарашлар эволюцияси¹¹

Даврлар	Илмий мактаб	Ғоя намояндалари	Ижтимоий ҳимоя муаммоларига тааллуқли бўлган асосий ғоялар
XVIII ва XIX аср бошлари	Классик сиёсий иқтисод	У.Петти, А.Смит, Д.Рикардо, Т.Мальтус, Дж. Стюарт Милль, Ж.Б.Сэй	Ҳукуматнинг иқтисодий тартибга солиш бўйича ҳаракати бозорнинг «кўринмас қўл»орқали самарали тартибга солишга халақит беради. Аҳоли даромадларини табақалаштириш – ресурслардан самарали фойдаланишни рағбатлантиради.
XX аср бошлари	Неолиберализм	В.Ойкен, А.Мюллер-Армак, В.Рёпке, Л.Эрхард, Ф.Хайек	Фуқароларнинг моддий-маънавий эҳтиёжларини қондириш имконини берувчи ва ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис қилиши учун жамиятдан компенсация олишда давлатнинг вазифаси даромадларни шакллантириш тизимини тартибга солишдан иборат.
XX аср бошлари	Кейнсчилик мактаби	Дж.М.Кейнс, Дж.В.Робинсон, Дж.Хикс, Ф.Модильяни,	Аҳоли даромадларининг ўсиши ялпи талабни рағбатлантириб ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайди ва ишсизликка қарши курашиш имконини беради. Бозор механизми давлатнинг аралашувисиз иқтисодий мувозанат ва ижтимоий адолатни таъминлай олмайди.
1920-1950 йиллар	Институционализм назарияси	Т.Б.Веблен, Дж.Р.Коммонс, Р.Арон, Д.С.Норт,	Давлат, йирик корпорациялар ва қасаба уюшмалари ижтимоий институтлар сифатида, иқтисодий фаол таъсир кўрсатади ва фуқароларнинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш имконини беради.
1960-1970 йиллар охири	Фаровонлик назарияси	Ф.Перру, Дж.К.Гэлбрейт, Г.Мюрдаль	Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот тизимларини ривожлантириш ва энг кам иш ҳақини тартибга солиш ижтимоий барқарорлик ва умумий фаровонликни таъминлайди.
1970-1990 йиллар	Инсон капитали концепцияси	Т.У.Шульц, Г.С.Беккер, Х.С.Джонсон, Дж.Минцер	Малакали меҳнат, аҳолининг касбий билим даражаси мамлакат иқтисодий ўсиши ва рақабатбардошликни таъминлашнинг бош омили ҳисобланади. Ишчининг ижтимоий таъминоти харажатларини қўшган ҳолда ишчи кучи қиймати чегараси кенгайиб боради.
1990 йиллар боши	Инсон тараққиёти концепцияси	БМТнинг Тараққиёт Дастури экспертлари	Инсон тараққиёти жамият тараққиётининг мезони ва мақсади ҳисобланади.
1990 йиллар	Ҳаёт сифати концепцияси	Дж.Форрестер, Э.Тоффлер, А.Мишель, С.Айвазян	Ижтимоий соҳанинг ривожланиш даражаси фуқароларни ижтимоий хавфсизлиги даражасини баҳолаш имконини беради.
1990-2000 йиллар	Инсон тараққиёти ва ижтимоий иқтисодий ривожланиш	Д.Медоуз, А.А.Бартлетт, С.Мураи, Л.И.Абалкин, А.Д.Урсул, А.В.Сидорович	Инсон тараққиёти фуқароларнинг узок умр кўриши, соғлиги ва ижодий ҳаётини акс эттиради. Ижтимоий барқарорлик жамиятнинг ижтимоий иқтисодий ривожланишини таъминлайди.

¹¹ Куклин А., Леонтьева А. Социальная защита населения как потребность рыночной системы хозяйствования. Монография. – Тюмень: «ТГУ», 2013. – С. 11 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Тадқиқот жараёнида аҳоли ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг устувор йўналишлари қуйидагича таснифланди (1-расм):



1-расм. Ижтимоий ҳимоянинг йўналишлари¹²

Аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш ижтимоий ҳимоянинг таркибий қисмларидан ҳисобланади ва унинг молиявий таъминотида тиббий суғурта ажратмалари муҳим ўрин эгаллайди. Тиббий суғурта аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг таянч нуқтаси ҳисобланади. Иқтисодий адабиётда тиббий суғуртанинг моҳияти тўғрисида қуйидаги иқтисодий ёндашувлар мавжуд:

«тиббий суғурта – тиббий хизматлар кўрсатишга қаратилган харажатлардан иборат бўлган суғуртанинг бир тури»¹³;

«тиббий суғурта – бу суғурта фаолиятининг алоҳида ташкилий шакли»¹⁴;

«тиббий суғурта – турли кўринишдаги соғлиқни йўқотиш жараёнида аҳоли манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилиш шакли»¹⁵;

«тиббий суғурта шартномаси мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини бозор муносабатларига мувофиқ ўз-ўзини молиялаштириш воситаси сифатида баҳоланади. Ушбу шартнома асосида аҳолининг барча қатламлари маълум ҳақ эвазига кўрсатиладиган тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини қўлга киритади ва соғлиқни сақлаш тизимининг иқтисодий ривожланишига сабаб бўлади. Тиббий суғурта шартномасининг мажбурий кўриниши аҳолини давлат томонидан ижтимоий ҳимоя қилишнинг шакли ҳисобланади»¹⁶.

Фикримизча, юқорида келтирилган таърифларга аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, тиббий суғурта аксарият ҳолатларда ижтимоий ҳимоя шакли сифатида эътироф этилмоқда. Ижтимоий ҳимоя тушунчаси кенг

¹² Муаллиф томонидан тузилган.

¹³ Аюшиев А.Д., Русакова О.И. Медицинское страхование: Учеб. пособие. – Иркутск: «Изд-во ИГЭА», 1997. – С.40.

¹⁴ Шихов А. К. Страхование право: Уч. пособие. 3-е изд. – М.: «ЗАО Юстицин-форм», 2004. – 304 с.

¹⁵ Финансы/В.М. Родионова, Ю.Я. Вавилов, Л.М. Гончаренко и др.; под ред. В.М. Родионовой. – М.: «Финансы и статистика», 1993. – С. 187

¹⁶ Болтаев М.С. Тиббий суғурта шартномасини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш масалалари. Юридик фан. номз. илм. дар. ол. уч. баж. дисс. Автореф. – Т.: ЎМУ, 2011. – Б. 18-19.

қамровли бўлиб, ижтимоий суғурта, ижтимоий таъминот ва ижтимоий ёрдам тушунчаларини ўзида мужассамлаштиради. Таҳлиллар кўрсатишича, тиббий суғурта қатор хусусиятларга эга. Жумладан, тиббий суғурта пуллик тиббий хизматдан фойдаланувчига суғурта ташкилоти билан ўзаро ҳамкорлик шартномасига эга тиббиёт муассасасига тўланади. Бунда суғурта пули суғурталанган шахснинг касаллик ҳолатини ҳисобга олиб, суғурта ҳодисаси кўзда тутилган ҳолларда тўланади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, касаллик ёки бахтсиз ҳодиса юз берганда, соғлиғи йўқолган тақдирда суғурталовчи томонидан суғурта дастурига киритилган тиббий хизматлар билан боғлиқ қўшимча харажатларни қоплайдиган ижтимоий суғуртага тиббий суғурта дейилади. Тиббий суғурта соғлиқни сақлаш ташкилотлари ва тиббиёт ходимлари фаолиятларининг пировард натижалари бўйича масъулияти ва иқтисодий манфаатдорлигини оширишнинг муҳим дастағи, тиббиёт ташкилотлари ўртасида рақобатни ривожлантириш омили ҳисобланади.

Диссертациянинг иккинчи боби «Тиббий суғуртани жорий этишнинг хориж тажрибаси» деб номланиб, иқтисодиётнинг барқарорлашуви жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимида тиббий суғурта ривожланишининг хориж тажрибалари қиёсий таҳлил қилинган ва «Covid-19» пандемияси шароитида тиббий суғуртанинг иқтисодий инкироздан чиқишдаги ўрни тадқиқ этилган.

3-жадвал

Мажбурий тиббий суғурта тизимининг қиёсий таҳлили (2018 йил)¹⁷

Давлатлар	Соғлиқни сақлаш харажатлари		Аҳолининг мажбурий тиббий суғурта билан қамраб олинishi, (% ҳисобида)	Мажбурий тиббий суғурта тизимида суғурталовчилар	Иш ҳақи фондидан тўланадиган суғурта бадаллари, (% ҳисобида)	Иш берувчилар ва ишчилар ўртасида суғурта бадалининг тақсимланиши, (% ҳисобида)
	ЯИМга нисбатан, улуши (% ҳисобида)	Аҳоли жон бошига сарфланадиган харажатлар, (АҚШ долл)				
АҚШ	17,1	9402,54	90	Суғурта компаниялари	3-9,5	Иш жойига боғлиқ ҳолда
Япония	10,2	3702,95	100	Давлат	8,2	50/50
Германия	11,3	5410,63	92	Касалхона кассалари	9-15	50/50
Франция	11,5	4958,99	80	Давлат	13,6	66/34
Швейцария	11,7	9673,52	99,5	Давлат фонди	10,1	50/50
Бельгия	10,6	4884,07	99-100	Давлат	7,4	52/48

Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришда жаҳон амалиётида бой тажриба жамланган. Турли мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг миллий хусусиятларидан келиб чиқиб, соғлиқни сақлашни молиялаштиришнинг қатор моделлари амал қилади. Жаҳон амалиётида тиббий

¹⁷ <http://ifmr.uz/возможности-и-перспективы-развития-м/>.

хизматларни молиялаштиришнинг уч услуги шаклланган. Биринчиси, тиббиёт хизматлари кўрсатувчи муассасаларнинг давлат томонидан молиялаштирилиши бўлса, иккинчиси бозор тамойиллари асосида фаолият кўрсатувчи тиббиёт хизматларидан иборат. Учинчиси мажбурий тиббий суғурта ва бозор тамойиллари асосида фаолият кўрсатувчи аралаш модел ҳисобланади. Биринчиси, мажбурий тиббий суғурта тизими орқали молиялаштирилиши керак. Баъзи ҳолларда улар қисман бевосита беморлар томонидан ихтиёрий тиббий суғурта орқали молиялаштирилиши мумкин. Иккинчиси, беморларнинг ўзлари ёки уларнинг иш берувчилари, жумладан, турли ихтиёрий тиббий суғурта дастурлари орқали молиялаштирилиши керак. Бунда давлат бевосита солиқ имтиёзлари, инфратузилмани қўллаб-қувватлаш ва бошқа чора-тадбирлар орқали тижоратга асосланган соғлиқни сақлаш тизимини ва ихтиёрий тиббий суғуртани қўллаб-қувватлаши мумкин.

Аксарият хорижий мамлакатларда қўлланиладиган тиббий суғурталашнинг тамойиллари таҳлили кўрсатишича, барча мамлакатларда суғурталанган шахслар томонидан тиббий хизматлар учун қисман тўлов амалга оширилади. Ривожланган мамлакатларда аҳолининг деярли 90-100 фоизи мажбурий тиббий суғурта билан қамраб олинган ва ушбу тизимда суғурталовчи сифатида давлат майдонга чиқади.

Жаҳон амалиётида тиббий суғурта барча ёлланиб ишловчилар учун мажбурийдир ва мажбурий тиббий суғурта соғлиқни сақлаш тизимининг молиявий асосини ташкил қилади (4-жадвал). Тиббий суғурталаш жараёнида давлат ва суғурта компанияларининг фаол иштироки кузатилади.

Covid-19 пандемияси шароитида тиббий суғуртани ривожлантириши хориж тажрибаси таҳлили аҳоли сиҳат-саломатлигини таъминлашда қандай афзалликларга эгаллигини исботлади. Covid-19 пандемияси даврида коронавирусга чалинган инсонларни даволаш ва аҳоли саломатлигини сақлаш билан боғлиқ харажатлар мамлакатларда турлича шаклларда амалга оширилмоқда. Пандемия даврида соғлиқни сақлаш тизимига катта молиявий босим тушмоқда.

Коронавирус пандемияси шароитида мамлакатимизда ташкил этилган Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобига 2020 йил 29 декабргача бўлган даврда жами 16,0 трлн. сўм маблағ келиб тушган¹⁸. Жамғарма томонидан 4,0 трлн. сўм маблағ коронавирусга қарши курашиш бўйича тадбирларни молиялаштириш, жумладан, ушбу маблағларнинг 37,5 фоизи дори воситалари ва тиббий буюмлар, ҳимоя воситалари ва тест тизимлари билан таъминлаш, ҳамда карантинда сақлаш харажатларини қоплаш мақсадида ишлатилган бўлса, 62,5 фоизи эса тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш, республика санитария-эпидемиология хизмати томонидан ҳимоя чораларини амалга оширишга йўналтирилди.¹⁹

¹⁸ https://www.mf.uz/ru/?option=com_content&view=article&id=571 маълумотлари асосида

¹⁹ https://www.mf.uz/ru/?option=com_content&view=article&id=571

Тиббий суғурта тизимини ташкил этишнинг жаҳон тажрибаси²⁰

Модел тури	Ижтимоий суғурта	Давлат	Бозор
Мамлакат	Германия	Франция	АҚШ
Моделнинг тамойили	Соғлиқни сақлаш – «инсон капитали» сифатини аниқлашнинг муҳим омили. Тиббий хизмат – соғлиқни сақлаш учун зарур бўлган харажатлар	Тиббий хизмат – ижтимоий-маиший фаровонлик. МТС дастурлари тиббий харажатларнинг бир қисмини қоплаши зарур	Тиббий хизмат – шахсий фаровонлик, яъни сотилган ёки сотиб олинган оддий товар
Молиялаштириш манбаси	МТС–60%, ИТС– 10%, давлат бюджети – 15%, шахсий маблағлар – 15%	МТС – 50%, ИТС– 20%, Давлат бюджети –10%, Шахсий маблағлар– 20%	Хусусий суғурта – 40%, шахсий маблағлар – 20%, кексалар ва кам таъминланганларга мўлжалланган дастурлар – 40%
Харажатларнинг самарадорлиги назорати	Назорат хусусий ва давлат суғуртачилари томонидан амалга оширилади	Назоратни суғурталовчилар амалга оширади: хусусий суғурта компаниялари ва давлат ижтимоий суғурта ташкилотлари	Назорат суғурта компаниялари – хусусий суғуртачилар томонидан амалга оширилади.
Тиббий хизматлар олиш имкониятлари	Аҳолининг 90 % МТС дастурлари билан, 10% ИТС дастурлари билан қамраб олинган. Бунда МТС қилинганларнинг 3 фоизи ИТСга эга	Аҳолининг 80 % МТС дастурлари билан қамраб олинган	Беморларнинг тўлов қобилияти чекланган, кексалар ва кам таъминланганларга мўлжалланган дастурлар барча мухтожлар учун амал қилмайди
Кўрсатилган тиббий хизмат турлари	МТС ва ИТС дастурларининг уйғунлашганлиги учун хизматлар қўламининг кенглиги	МТС ва ИТС дастурларининг уйғунлашуви ҳисобига хизматлар қўламининг кенглиги	Турли-туман даволаш ва профилактик тиббий хизматлар
Янги технологиялардан фойдаланиш	Турли тиббий хизматларга бўлган талаб янги технологияларни жорий этишни рағбатлантиради	Турли тиббий хизматларга бўлган талаб янги технологияларни жорий этишни рағбатлантиради	Илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига сарфланган инвестицияларнинг аксарият қисми соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилади
Тиббий хизматлар нархларини тартибга солиш	Иқтисодий вазият ўзгаришига қараб, нархлар қайта кўриб чиқилади	Нархлар ҳукумат томонидан йилига 2 марта қайта кўриб чиқилади ва тартибга солинади	Нархлар бемор, суғурталовчи ва соғлиқни сақлаш муассасалари ўртасида тузилган шартномалар асосида шаклланади

«Covid-19» билан касалланганларни даволаш амалиёти таҳлили кўрсатишича даволаш харажатлари таркибидаги тиббий суғуртанинг ўрни мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш ривожланиш даражаси ва соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш моделига қараб фарқланади (5-жадвал).

²⁰ Система здравоохранения Республики Узбекистан: основные тенденции и перспективы развития. Аналитический доклад 2011/11. ПРООН. – Т., 2011. – С. 38 маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди., Германиянинг шифохона ғазналари / Ахборот маркази./ URL: <http://www.infozentr.de/ru/articles/content/149.>, (Finegold K. New census estimates show 3 million more americans had health insurance coverage in 2017 : ASPE issue brief / Kenneth Finegold // Office of the assistant secretary for planning and evolution: website. 2017. November. URL:http://aspe.hhs.gov/health/reports/2017/CPSIssueBrief/ib_cps.cfm)

Covid-19 пандемияси шароитида даволаш харажатлари таркибида тиббий суғуртанинг ўрни (17.02.2021 йил ҳолатига)²¹

Мамлакатлар	Касалликка чалинганлар сони, та	Бир беморни даволашнинг ўртачаси харажатлари АҚШ доллари ҳисобида	Тиббий суғурта ҳисобидан қопланганлар қисми, фоизда
Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатлар			
АҚШ	28 319 964	34 000	50,0
Германия	2 348 748	32 000	96,0
Буюк Британия	4 047 843	30 000	50,0
Франция	3 469 539	25 000	80,0
Испания	3 086 286	20 000	50,0
Бозор муносабатлари ривожланаётган мамлакатлар			
Хитой Халқ Республикаси	89 788	12 250	66,6
Ҳиндистон	10 931 492	4 150	-
Туркия	2 594 128	15 973	10,0
Бозор муносабатлари шаклланаётган мамлакатлар			
Россия Федерацияси	4 099 323	3 150	60,0
Ўзбекистон	79 461	4 650	-
Қозоғистон	203 259	540	-
Қирғизистон	85 564	734	30,0

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, айрим мамлакатларда касалликни даволаш харажатлари тўлиқ давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилаётган бўлса, баъзиларида фуқаролар тиббий суғуртадан, тиббий суғурта жорий этилмаган мамлакатларда эса беморларни даволаниш билан боғлиқ харажатларни ўз ҳисобидан амалга оширмақда. Ривожланган мамлакатларда «Covid-19»га чалинган ҳар бир беморни даволаш харажатлари тиббий суғурта ҳисобидан қопланмоқда, жумладан АҚШда 50 фоиз, Германияда 96 фоиз ва Францияда 80 фоиз тиббий суғурта ҳисобидан қопланмоқда. Шу билан биргаликда, айрим ривожланган мамлакатларда эса «Covid-19» пандемияси шароитида беморларни даволаш харажатларини қоплашда тиббий суғурта ва давлат бюджети харажатлари муҳим ўрин эгаллаган.

Учинчи боб «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида тиббий суғуртани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» деб номланган бўлиб, унда Ўзбекистонда тиббий суғурта хизматлари бозорининг ҳолати баҳоланган, ривожланиш тенденциялари ва муаммолари аниқланган, мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий этиш имкониятлари, истиқболда тиббий суғурта бозорини ривожлантириш босқичлари ва муқобил сценариялари таҳлил этилган.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш босқичида суғурта бозори жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. 2013-2019 йилларда жами

²¹ <https://teyit.org/en/claims-about-treatment-expenses-of-covid-19-in-some-countries/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

суғурта тўловлари ҳажми таркибида ихтиёрий суғурта тўловлари ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлди.

2013-2019 йилларда ихтиёрий тиббий суғурта бўйича хизмат кўрсатувчи суғурталовчилар сони 8 тадан 15 нафарга етган, тиббий суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотлари ҳажми деярли 3,5 мартага ва ихтиёрий тиббий суғурта тўловлари ҳажми эса 4,1 мартага ортди.

Ихтиёрий тиббий суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотларининг йўқотилиш даражаси ўсиш тенденциясига эга бўлган. Жумладан, 2013 йилда суғурта мукофотларининг 55,0 фоизи тиббий суғурталанувчилар учун тўлаб берилган ҳолда, 2019 йилда ушбу кўрсаткич 64,5 фоизни ташкил қилди (6-жадвал). Ушбу тенденция мамлакатимизда тиббий суғурта бозорини аста-секин ривожланиб бораётганлигини кўрсатади.

6-жадвал

Ўзбекистонда ихтиёрий тиббий суғурта бозори ривожланишининг кўрсаткичлари²²

Кўрсаткичлар	2013 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Ихтиёрий тиббий суғурта хизматлари тақдим этувчи суғурталовчилар сони	8	11	12	14	15
Ихтиёрий тиббий суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотлари ҳажми, млн. сўм	6833,2	9347,9	17976,9	19496,6	23852,1
Республикада жами суғурта мукофотлари ҳажми таркибида ихтиёрий тиббий суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотлари улуши, %да	2,0	1,3	1,9	1,1	1,2
Ихтиёрий тиббий суғурта шартномалари бўйича суғурта тўловлари ҳажми, млн. сўм	3758,5	7260,5	10661,6	11389,9	15386,7
Республикада жами суғурта тўловлари ҳажми таркибида ихтиёрий тиббий суғурта шартномалари бўйича суғурта тўловларининг улуши, %да	5,6	5,6	3,9	2,5	2,2
Ихтиёрий тиббий суғурта шартномалари бўйича суғурта мукофотларининг йўқотилиш даражаси	55,0	77,6	59,3	58,4	64,5

Таҳлиллар кўрсатишича, Ўзбекистонда ижтимоий суғурта тизимининг ривожланиш ҳолати, тиббий хизматлар бозори ҳолати, амалдаги ихтиёрий тиббий суғурталашнинг ташкилий шакллари ва фуқароларнинг бепул тиббий хизматлар олиш ҳуқуқларини таъминлаш механизми бозор муносабатларини ривожлантириш талабларига жавоб бермайди.

Аҳоли даромадларининг ўсиб боришига мутаносиб равишда соғлиқни сақлаш тизимида кўрсатиладиган хизматлар турлари кўпайди. Таҳлиллар кўрсатишича, аҳоли даромадлари миқдорининг 1 млрд. сўмга ортиши ҳисобига пуллик хизматлар ҳажмининг 9,6 млн. сўмга кўпайиши аниқланди. Шу нуқтаи

²² Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари асосида тузилган.

назардан, узоқ муддатли истиқболда аҳолининг барча қатламлари учун соғлиқни сақлаш тизимидаги хизматлар нархи, хизмат кўрсатиш сифатини таъминлаш борасида харажатларни оптималлаштиришни таъминлаш ва соғлиқ сақлаш тизимидаги муаммоларнинг ҳал этилиши мажбурий тиббий суғурта тизимининг жорий этиш шаклларига боғлиқ бўлади.

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, мамлакатимизда мажбурий тиббий суғурта тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш ва аҳоли ўртасида мажбурий тиббий суғурталашни босқичма-босқич жорий этиш зарур. Мамлакатнинг барча минтақаларида тиббий хизматларнинг кафолатланган ҳажмларини ҳисоблаб чиқиш ва клиник-харажат гуруҳларини шакллантириш асосида беморларнинг мақсадли контингентлари ва тиббий ёрдамнинг мақсадли турлари учун мажбурий тиббий суғуртага оид мақсадли давлат дастурларини амалга ошириш, мажбурий тиббий суғурта дастурлари бўйича молиявий маблағларни жамловчи ва тақсимловчи мажбурий тиббий суғурта жамғармасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими давлат ва хусусий секторларини ўз ичига олади. Хусусий сектор соғлиқни сақлаш тизимининг етарли даражада ривожланмаган бўғини бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда республикада 4 мингга яқин хусусий тиббий ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 67 фоизи Тошкент шаҳрида ва вилоят марказларида жойлашган²³. Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида республика хусусий тиббий муассасаларида аҳоли томонидан сифатли тиббий хизматларни танлаш имкониятини кенгайтириш масаласи кўриб чиқилиши зарур. Жаҳонда жамланган бой тажрибалардан келиб чиқиб, мажбурий тиббий суғурта дастури бўйича тиббий ёрдам кўрсатишда хусусий тиббий ташкилотларнинг иштирокини кучайтириш мақсадга мувофиқ.

Жаҳон амалиёти кўрсатишича, давлат ва хусусий даволаш-диагностик муассасалари фаолиятининг регламентини белгиловчи кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатининг мониторинги ва назоратини олиб боришнинг самарали усули тиббий суғуртадир. Бозор муносабатлари ривожланиш жараёнида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати бевосида аҳолини суғурталаш тизимининг ривожланганлик даражаси ва клиник-статистик, тиббий-иктисодий кўрсаткичларидан фойдаланувчи тиббий ахборот тизимига боғлиқ.

Ўзбекистонда аҳолининг ихтиёрий тиббий суғурта билан қамраб олиниши паст даражада сақланиб қолмоқда (умумий аҳоли сонининг 0,1%), суғурта хизматлари ихтиёрий равишда муассасаларга ва алоҳида жисмоний шахсларга 40 та суғурта компаниялари томонидан тақдим этилади. Ушбу ҳолат тиббий ёрдамни стандартлаштириш тамойилларига асосланган тиббий хизматларнинг характери, сифати, ҳажми ва нархини тартибга солувчи зарур ҳуқуқий асос ва тиббий ахборот тизимининг йўқлиги билан боғлиқ.

